БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 132 (18.010). • 9 июнь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА

•

ПИЛЛАЧИЛАР УЛКАН МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДАЛАР

•

МЕҲНАТ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

БЕШ ЙИЛЛИККА ЗАРБДОР СУРЪАТ

ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Самарқанд область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезднинг ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмаларини бажариб, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар ва давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш юзасидан йилнинг биринчи ярми планини ва қоракўл тери тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, шу йил 6 июнда бажардилар. Давлатга 20 минг тонна гўшт, 48,2 минг тонна сут, 41 миллион дона тухум, 1880 тонна жун ва 395 минг дона юқори сифатли қоракўл терн сотилди.

Гўшт тайёрлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 процент, сут — 7 ва тухум 13 процент кўпайди. 5 ой мобайнида чорва ва парранда барча турларининг сони кўпайди ҳамда уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Топширилган қорамолнинг ўртача вазни 400 килограмм, чўчқа вазни 117, қўй ва эчкиларнинг ўртача вазни 44 килограмм бўлди.

Оқдарё, Иштихон, Нурота, Каттақўрғон, Самарқанд, Ургут, Жомбой районларининг чорвадорлари планларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Иштихон районидаги «Муродобод» колхози, Нурота районидаги В. И. Ленин номли, «Қизилча» совхозлари, Советобод районидаги «Қарноб», «Жом» совхозлари, Булунғур районидаги Фозил Йўлдош номли совхоз, Каттақўрғон районидаги В. И. Ленин номли колхоз ва зотли парранда совхози, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз, Самарқанд районидаги Максим Горький номли колхоз ва паррандачилик фабрикаси, Оқдарё районидаги «Даҳбед» совхози, Жомбой районидаги «Октябрь» колхози, Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхози ва бошқа кўп хўжаликлар давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотишда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Дағал ем-хашак тайёрлаш муваффақиятли бормоқда. Емхашак тайёрловчи 311 бригада ташкил этилди. Техника ва одам кучи ресурслари бу бригадаларга бириктириб қўйилди. Областдаги партия, совет, касаба союз, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш, шунингдек комсомол ташкилотларининг кенг қўламдаги ташкилотчилик ва оммавий сиёсий иши, хўжаликлардаги чорвадорлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати чорвадорларнинг муваффақият қозонишн учун кўп жиҳатдан катта имконият яратиб берилишини таъминлади.

Область қишлоқ меҳнаткашлари ҳозирги вақтда ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган планлар ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун курашмоқдалар.

БАМ — УМУМХАЛҚ ҚУРИЛИШИ

Ўн биринчи беш йилликда Байкал-Амур темир йўл магистралининг бошидан охиригача поездлар қатнови очилсин, дейилган КПСС XXVI съезди қарорида. Бу — кўмир, темир ва марганец рудаси, мис, никель, рух, молибден, қалайи, бошқа фойдали қазилмаларнинг янги катта-катта запасларини тезроқ ўзлаштириш имконини беради. Сибирь ўрмонлари негизида ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати. ўрмон химияси янада ривож топади.

Байкал-Амур магистралининг қурувчилари иш суръатини кучайтирмоқдалар. 3.510 километрлик асосий йўлдан 2 минг километрига пўлат излар ётқизилди, 600 километри доимий фойдаланиш учун топширилди, магистралнинг учдан бир қисмида поездларнинг иш ҳаракати ташкил этилди. Бунга эришиш учун неча миллион кубометр тупроқ ётқизиш, икки мингтадан кўпрок турли сунъий иншоотлар қуриш керак бўлди. Транссиб билан Жанубий Якутияни боғловчи кичик БАМ трассаси бўйлаб истеъмолчиларга миллион-миллион тонна кўмир, ёғоч, ўлканинг бошқа бойликлари элтиб берилди. Ҳозир қурувчиларнинг асосий куч-ғайратлари тоннель ва кўприклар қуришга қаратилган.

Кейинги йилларда БАМда меҳнат коллективлари таркиб топиб, мустаҳкамланди, КПСС XXVI съезднинг делегатлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Леонид Казаков ва Ленин ордени кавалери Вячеслав Аксенов, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Александр Бондарь сингари ўз ишининг ажойиб усталари ўсиб вояга етди. Кашшофлар янгидан янги ишлар барпо этишмоқда, мактаблар, болалар боғчалари, клублар — хуллас ўрмонзор ўлкада яшаш учун зарур ҳамма муассасаларни қурмоқдалар.

Байкал-Амур магистрали — умумхалқ қурилиши. БАМнинг кўпгина шаҳар ва посёлкалари доимий оталиққа олинган — бу ерда иттифоқдош ва автоном республикалардан, ўлкалар, областлар, шаҳарлардан юборилган ўттизга яқин отряд меҳнат қилмоқда. Масалан, Москва, Украина, Грузия, Молдавия, Ставрополь ва Краснодар ўлкалари, Свердловск ва Москва областларининг намояндалари зўр сабот билан ишламоқдалар. Шу билан бирга Арманистон, Туркманистон, Бошқирдистон, Олтой ўлкаси, Волгоград, Омск, Куйбишев областларида зарбдор қурилишга ўнчалик эътибор билан оталиқ қилинмаяпти.

БАМ қурувчилари ишининг муваффақияти материаллар билан пухта таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, ўтган йили 280 мингта шпал жўнатиш кечикди, бу эса бир юз қирқ километр тайёр из демакдир Темир йўллар министрлиги шу маҳсулотни етказиб бериш ишдан чиқишига айбдор бўлди. СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги магистралга аталган йигирма минг квадрат метрга яқин стандарт ўйларни муддатида юбормади. Баъзан металл, темир-бетон, гишт, бошқа зарур материаллар ва конструкцияларнинг етишмаслиги сабабли қурилишда танг аҳвол юзага келади. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари БАМга зарур ҳамма материалларни етказиб беришни каттиқ назорат остига олишлари керак. Қурилишнинг ўзида материалларнинг тежаб-тергаб сарфланиши учун курашни кучайтириш лозим.

БАМ — рельслар, кўприклар, тоннеллардангина иборат эмас, магистраль ёқалаб янги-янги шаҳарлар, посёлкалар қад кўтармоқда, совхозлар ва ўрмончилик хўжаликлари барпо этилмоқда, беҳисоб бойликларни сийнасида яшириб ётган ерлар обод бўлмоқда.

«Байкал-Амур магистрали, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарққа қилган сафари вақтида, — ривожланган социализм даврининг қурилишидир... Биз қурилиш районларида турмуш учун яхши шароит яратишимиз, уй-жой, клублар, мактаблар қурилишига кўпроқ эътибор беришимиз, бу ишик зарур миқёсда ва муносиб техникавий савияда, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажариш керак».

Бир ярим миллион квадрат километрдан ортиқ ерни эгалловчи магистрал зонасининг анчагина қисмини ўзлаштириш қийин. Одамлар қаршисида тайга, тоғ тизмалари, абадий музликлар, оғир иқлим шароитлари турибди. Улар қийинчиликларга қарамай олга бормоқдалар, ўлкани узоқни кўзлаб, пишиқ-пухта обод қилмоқдалар. Ҳозир бу ерда кучли трестлар ишлаб турибди, уй-жойларни, социал-маиший ва маданий биноларни жадалроқ қуриш мумкин. Катта-катта ресурсларни хўжалик оборотига киритиш — ҳозирча кўп жиҳатдан келажакдаги иш бўлса ҳам, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ БАМ зонасида иқтисодий жиҳатдан ривожланишни мустаҳкам программ-мақсад негизида ташкил этиш зарур.

БАМга кўп киши келмоқда, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам магистралда узоқ вақт қолаётгани йўқ. Сифатли уй-жойнинг етишмаслиги, болалар муассасаларининг йўқлиги бунинг сабабларидан биридир. БАМда кўп қурмоқдалар, бироқ баъзи биноларнинг етарли даражада пухта ўйлаб жойлаштирилмаяпти. Масалан, Тиндада Москванинг оталиқ ташкилотлари ёрдами билан барча коммунал қулайликлари бўлган неча ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилди, аммо бу ерда ҳали бир талай муваққат уйлар бор, ҳозирча шаҳарнинг бош қурилиш плани йўқ, бу ердагилар орасида уй-жойга, болалар боғчаларига муҳтож кишилар бор. Бошқа бир қанча жойларда ҳам шу аҳволни кўриш мумкин.

БАМ трассаси бўйлаб муваққат автомобиль йўллари қурилган. Уларнинг кўп жойлари ёмон аҳволда, уларнинг сақланиши учун амалда ҳеч ким жавобгар эмас. Бу йўллар ўзнинг ёрдамчилик ролини бажариб бўлгач, аста-секин бузилмоқда. Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари темир йўл қатновигагина эмас, шу билан бирга пухта автомобиль қатновига ҳам муҳтож эканини тажриба кўрсатиб турибди.

Магистралнинг иккала четида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ва ривожлантириш ҳам вазифалардан биридир, бу вазифанинг ҳал этилиши шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисини сут ернинг ўзида етиштирилган янги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Ҳозирча «аграр цех» қурувчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларини фақат 5—7 процент қондирмоқда Бир қанча жойларда бамчиклар маҳаллий хўжаликларга кўмаклашиб, ўз кучлари билан сигирхоналар, чўчқачилик комплекслари, теплица ва парниклар қуриб бермоқдалар. Партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари мана шу тажрибани қўллаб-қувватлашлари ва оммалаштиришлари керак. Сибирь диёри, нақадар машаққатли бўлмасин, шу ерда яшаб, ишлаётган одамларни боқиши мумкин ва лозим.

Байкал-Амур магистрали қурувчиларининг келгусидаги ишлари кўп. Чуночи «Ленабамстрой» трестининг коллективи беш йиллиқнинг биринчи йилида 261 километр узунликдаги Усть-Кут-Кунерма ишга туширилдиган комплексини муддатидан икки ой аввал доимий фойдаланишга топшириш мажбуриятини олди. Усть-Кутдан Янчукан станциясигача, Тиндадан Ғарбда — Олекма дарёсигача, Шарқда — Зейск станциясигача, Ургалдан Февральск станциясигача излар ётқизилиши лозим. Кўпгина коллективлар ўз ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар. Беш йиллиқнинг биринчи йилини яхши бошлаш — умумхалқ қурилиши муваффақиятли тугалланишнинг гарови эканини улар англаб туришибди.

(«ПРАВДА» газетасининг 8 июндаги бош мақоласи).

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Республикамизнинг кўплаб хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими ғуюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Жумладан, Арнасой районидаги Жуков номли совхозда ҳам мўл ғалла хирмони кўтарилмоқда. Хўжалик деҳқонлари ҳар гектар майдондан 15—16 центнердан ғалла олишяпти. Суратда: совхоз директори С. Ахмедов, илғор комбайнчилардан А. Иброҳимов, Н. Мамутов ва ғаллачилик бўлими бошлиғи М. Мамутовлар ҳосилни кўздан кечиришмоқда.

К. Жўрақулов фотоси.

ПЛАН — ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВ УЧУН ҚОНУН

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш 1981 йил январь-май ойлари планини 102,5 процент бажарди, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1980 йилнинг январь-май ойларига нисбатан 7,1 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 4,3 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги жиҳатидан январь-май ойлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — маҳсулот реализация қилиш, учинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми, тўртинчи устун — меҳнат унумдорлиги (планнинг бажарилиш проценти), бешинчи устун — 1981 йил январь-май ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 1980 йил январь-май ойларига нисбатан процент ҳисобида.

Ўзбекистон ССР	102,5	103,1	103,0	107,1
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	100,6	100,6	100,9	100,1
Андижон области	103,9	106,5	105,8	110,8
Бухоро области	102,7	102,8	102,9	102,6
Жиззах области	106,9	106,6	105,2	113,3
Қашқадарё области	101,8	101,9	101,5	110,2
Наманган области	104,1	105,1	103,4	114,6
Самарқанд области	104,1	104,7	103,9	108,4
Сурхондарё области	103,2	103,1	104,4	110,5
Сирдарё области	103,0	102,4	100,9	116,2
Тошкент области	102,3	102,6	102,6	105,4
Фарғона области	101,7	102,5	101,8	107,1
Хоразм области	102,1	103,9	103,4	109,3
Тошкент шаҳри	102,1	102,6	102,9	105,1

Кўмир ва газ қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, кўч трансформаторлари, йигирув машиналари, пахта териш машиналари, минерал ўғитлар, пахта толаси, шойи газлама, трикотаж, колбаса маҳсулотлари, мол ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани оширилди бажарилди.

Шу билан бирга минерал ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулот реализация қилиш, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг, Ўзбекистон ССР Биокорлик материаллари саноати министрлигининг, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан январь-май ойлари планини бажара олмадилар.

Бир қанча корхоналар маҳсулот реализация қилиш январь-май ойлари планини бажаришни таъминламадилар, бундай корхоналар планга нисбатан 15,5 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилдилар. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Фарғона азотли ўғитлар заводи, Фарғона шиша идишлар заводи, Беруний ёғ заводи, Фарғона кўприк-темир бетон конструкциялар ва асфальт-бетон заводи ҳамда бир қанча бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари айрим коллективларнинг планни бажармаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатларини ва меҳнат унумдорлигини пасайтириб юбориш сабабларини текшириб кўриб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда уларга зарур ёрдам беришлари лозим. Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини ҳар томонлама тежаш асосида корхоналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш, ҳар бир корхонанинг ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили план ва социалистик мажбуриятларини бажариши учун шарт-шароитларни яратиш, умуман беш йиллик топшириқларини бажариш учун мустаҳкам заминни вужудга келтириш лозим.

ШОНАЛАР ШОДА-ШОДА

ЖИЗЗАХ («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Кўрқ Арнасой райони пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Чўл баҳодирлари съездлар йилида она-Ватанга 60 минг тонна «оқ олтин» топширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу ўнинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида кўтарилган пахта хирмонига нисбатан икки баравар кўп демакдир.

Юлиус Фучик номли совхоз Арнасой районидаги машъал жўхаликларидан.

— Совхозимиз миришкорлари бу йил 4430 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24,8 центнер ўрнига 30 центнердан пахта хирмони кўтаришга шайланишган, — дейди совхоз директори Йўлдош Зоҳидов. — Бизда ғўза парвариши шу кунларнинг юксак талаблари асосида олиб борилмоқда. Санд Анорқулов, Исмоил Умрзоқов, Ҳидир Йўлдошев ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларда ғўза қатор оралариға учинчи ишлов бериш ва озиқлантириш тугалланай деб қолди. Бу илғор бўлимларнинг миришкорлари гектаридан 35 центнердан чўл дурдонаси топширишга қарор қилишган.

Совхознинг Ҳидир Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бўлим далаларидаги ғўзалар қийғос шоналай бошлади. 450 гектар майдондаги ғўза барк уриб ўсиб, кун сайин мўл ҳосилга замин тўпланмоқда. Бўлимнинг коммунист Ҳамро Ниёзова раҳбарлик қилаётган бригадасида ғўза парвариши, айниқса, яхши ташкил этилган. Бригада аъзоматлари бу йил гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини қабул қилишган. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинади.

Ҳамро Ниёзова бригадаси аъзолари совхознинг 5-бўлимига қарашли Муборак Бойжуродова бошлиқ бригадаси билан ўзаро социалистик мусобақа боғлашган. М. Бойжуродова раҳбарлик қилаётган бригаданинг 60 гектарлик майдонидаги ғўзалар ҳам шонага кирди. Аҳил коллектив гектаридан пландаги 25 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда. Ғўза парвариши ҳам ана шу юксак мажбурият асосида олиб борилаётир.

Арнасой районидаги Тимошенко номли, Рокоссовский номли совхозларда ҳам ғўза парвариши уюшқоқлик билан давом эттирилянти.

У. ЮСУПОВ.

ХОРАЗМ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Хоразм область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пилла тайёрлаш юзасидан 1981 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажардилар. Тайёрлов пунктларига икки минг тоннадан кўпроқ ана шу қимматли хом ашё етказиб берилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 200 тонна кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан 76 килограммдан пилла олинди, пилланинг 85 процентдан кўпроқ қисми юқори навларга топширилди.

Областнинг барча районлари пиллачилари меҳнат ғалабасига катта ҳисса қўшдилар. Хива, Хонқа, Янгариқ ва Боғот районларнинг хўжаликлари давлатга пилла сотиш план ва социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Хива районидаги Ленин номли, Боғот районидаги Нарманов номли, Хонқа районидаги Охунбобоев номли, Ҳазорасп районидаги К. Маркс номли, Урганч районидаги Ленин номли, Қўшкўпир районидаги Калинин номли, Гурлан районидаги «Ленинизм», Янгиариқ районидаги Аваз Утар номли, Шовот районидаги Киров номли колхозларнинг пиллачилари айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бу хўжаликларнинг пиллачилари қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг анча ошириб бажарилишини таъминладилар ва ҳар қути қурт уруғидан 80—90 килограммдан пилла олишга эришдилар.

Пиллачилардан беш мингдан кўпроқ киши ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ва бундан ҳам кўпроқ пилла йиғиштириб олди.

ХЎРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Хоразм области (область партия комитетининг секретари М. Х. Худойберганов, область ижроия комитетининг раиси К. С. Сапаев, область комсомол комитетининг секретари К. С. Иброҳимов, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи А. М. Матчонова).

Риштон райони (район партия комитетининг секретари С. Охунов, район ижроия комитетининг раиси Х. Одилов, район комсомол комитетининг секретари , А. Курбонов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Н. Шерғозиев).

Фрунзе райони (район партия комитетининг секретари А. Ҳамролиев, район ижроия комитетининг раиси М. Хўжаев, район комсомол комитетининг секретари Ж. Раҳмонов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Н. Курбонов).

Беруний райони (район партия комитетининг секретари О. Ражабов, район ижроия комитетининг раиси С. Алимов, район комсомол комитетининг секретари М. С. Хожиев, пилла қуритиш бош корхонасининг директори А. Узоқбоева).

Ховос райони (район партия комитетининг секретари Г. Суванқулов, район ижроия комитетининг раиси С. Насуллаев, район комсомол комитетининг секретари А. Н. Мўминқов, пиллачилик катта агрономи С. Нуъмонов).

Қўрғонтепа райони (район партия комитетининг секретари У. С. Саримсоқов, район ижроия комитетининг раиси Б. Т. Болтабоев, район комсомол комитетининг секретари З. Р. Ашурова, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Т. Йўлдошев).

Коммунистик райони (район партия комитетининг секретари А. П. Алимов, район ижроия комитетининг раиси Н. И. Цой, район комсомол комитетининг секретари А. Толипов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Б. Улуғхўжаев).

Боғот райони (район партия комитетининг секретари Б. Бабаддинов, район ижроия комитетининг раиси Э. Ҳакимов, район комсомол комитетининг секретари Ш. Сапаева, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Э. Рўзиметов).

Хива райони (район партия комитетининг секретари М. М. Маткаримов, район ижроия комитетининг раиси И. Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари А. Матчонов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори У. Мадалиева).

Янгариқ райони (район партия комитетининг секретари М. К. Собиров, район ижроия комитетининг раиси Ю. Ражапов, район комсомол комитетининг секретари Х. Жуманиёзова, пилла қуритиш бош корхонасининг директори И. Г. Абдуллаева).

Эллиққала райони (район партия комитетининг секретари А. Примов, район ижроия комитетининг раиси З. Хўжаниёзов, район комсомол комитетининг секретари К. Собиров, пилла қуритиш бош корхонасининг директори О. Жуманазарова).

Зомин райони (район партия комитетининг секретари Э. Холматов, район ижроия комитетининг раиси М. Абдулҳакимов, район комсомол комитетининг секретари Р. Маматқулов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори А. Ҳожиқелдиев).

ПУШКИНХОНЛИК

ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пушкин туғилган кунининг 182 йиллигига бағишланиб Ўзбекистонда ўтказилаётган шеърият байрами давом этмоқда. Концерт заллари ва маданият уйларида, истироҳат боғлари ва театрларда, кутубхоналарда, институтларнинг мажлислар залларида улуғ шоирнинг ўлмас сатрлари янграмоқда.

8 июнда Низомий номли Тошкент педагогика институтида пушкинхонлик кечаси ўтказилди. Кечада Ўзбекистоннинг таниқли шоирлари Пушкин асарларидан таржималар ва адиблар кўплаб авлодларнинг буюк устозига бағишланган ўз шеърларини ўқиб бердилар.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Совет ва Панама ёшлари дўстлиги анъанавий ҳафталиги 8 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида нихояясига етди. Бу ҳафталик икки мамлакат ёшлари алоқаларининг тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Ҳафталик қатнашчилари — Панама тараққийпарвар ёшлар ташкилотларининг вакиллари ва шу мамлакатдан келиб Совет Иттифоқи олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар етти кун давомида республикадаги комсомол-ёшлар ташкилотларининг фаолияти билан танишдилар, олий ўқув юртларига, саноат корхоналарига, колхоз ва совхозларга бордилар, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Бадиий ҳаваскорларнинг концертлари қўйиб берилди, дўстлик ва бирдамлик митинглари ташкил қилинди.

Панама ёшлари делегацияси Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилинди.

Делегация раҳбари, Панама халқ вакиллари миллий мажлисининг депутати Мануэль Леле бўлиб ўтган матбуот конференциясида бундай деди:

— Биз ўзбек ёшлари билан кўп марта суҳбатлашдик. Қисқа тарихий вақт ичида экономика, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида совет халқи эришган ҳамда муваффақиятларга чиндан ҳам қойил қолдик. Республикангиз йигит ва қизлари ҳар томонлама камол топиши, касб эгаллаши, танлаган касби бўйича билим олиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Совет ёшларининг империализмга қарши, миллий суверенитет ва иқтисодий мустақилик учун кураш олиб бораётган мамлакатимиз ёшлари билан бирдамлиги биз учун ғоят қимматлидир.

Совет ёшларининг меҳмондўстлиги, сизларнинг турмуш тарзингиз, миллий урф-одатларингиз ва анъаналарингиз билан танишларини ҳеч қачон унутмаймиз, ватанимизга қайтгач, булар ҳақида гапириб берамиз. Бундай учрашувлар ва мулоқотлар ғоят самарали эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бундай учрашувлар ёшларни бир-бирига яқинлаштиради, планета тақдири учун уларнинг масъулиятини оширади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАРГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

ИНСОН ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Т. ОСЕТРОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

Совет кишиси тўғрисида, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш КПСС бутун фаолиятининг негизи бўлиб келди. Партиямизнинг XXVI съездида ҳам бу алоҳида кучи билан таъкидланди.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг тез ва барқарор ривожланиши халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини юксалтириш чораларининг бутун бир системасини амалга оширишга имконини берди. Республикамизда чакана савдо товар оборотининг ўсиши ҳамда аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг яхшиланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Министрлар Советининг, республика маҳаллий партия ва совет органларининг доимий диққат-эътиборида турган савдо ўнинчи беш йиллик давомида сезиларли даражада ривожланди ва мустаҳкамланди. Яқинда бўлиб ўтган республика партия хўжалик активи йиғилишида КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ равишда Ўзбекистон ССРда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди ва ўнда республикада савдонинг юксалиши ҳақида асосли мисоллар келтирилди. Ўтган беш йиллик давомида чакана савдо товар обороти 3 миллиард сўмликдан зиёдроқ ёки 43 процент ўсди. Республиканинг барча областлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон АССР белгиланган топшириқни муваффақиятли бажарибгина қолмай, планга қўшимча равишда 530 миллион сўмлик товар реализация қилдилар.

Аҳолига сотилган саноат маҳсулотлари ҳажми 48 процент, озиқ-овқат товарлари ҳажми 36 процент ошганлиги, буниг устига уларнинг орасида гўшт, тухум, ўсимлик мойи, мева ва сабзавот каби тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари салмоғи кўпайганлиги республика меҳнаткашлари моддий ва маънавий ҳаёти даражаси ошганлигидан далолат бермоқда.

Шу йилнинг беш ойлик плани ва топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилди. Ҳар қачонгидек, савдо тармоғининг байроқдорлари бўлган Тошкент Марказий универсал магазини, Бош универсал магазини коллективлари, Қува район матлубот союзи корхоналари ва бошқалар мусобақанинг олдида бормоқдалар. Улар савдо соҳасида янги ташаббусларни кўтариб чиқмоқдалар. Харидорларнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўллари ва имкониятларини мунтазам изламоқдалар.

Ўзбекистонда аҳолига савдо хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, савдонинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилган жуда катта ишлар республикада чакана савдо оборотини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини берди. Ана шу мустаҳкам негизда савдонинг прогрессив форма ва методлари янада ривожланди, савдо тармоқлари ихтисослаштирилди. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги вақтда магазиналарнинг 55 процента ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи асосида ишламоқда. Товарларни олдиндан берилган намуналарга кўрсатиб сотиш, харидорлар уйига етказиб бериш каби савдонинг прогрессив формалари янада ривож топди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига асосида республика савдо ходимлари олдида савдо ишлари самарадорлиги ва сифатини янада оширишдек масъулиятли вазифа турибди. Бу соҳада ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Тармоқни ривожлантиришнинг қўшимча имкониятлари ҳали тўла ишга солинмаган.

Масалан, савдо ташкилотларимиз мавжуд товар ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлай олмаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Айрим ҳолларда аҳолини саноатимиз етарли миқдорда ишлаб чиқараётган ва базаларда, омборларда ҳамиша мавжуд бўлган энг зарур товарлар билан таъминлашда ҳали ҳам ушлишга йўл қўйилмоқда.

Чорвачилик маҳсулотлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган озиқ-овқат программасининг энг муҳим қисмидир. Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга жуда катта маблағ сарфланмоқда. Бўрдоқичилик хўжаликлари, паррандачилик фабрикалари, ўрдачилик комплекслари қурилмоқда. Чорва моллар ва паррандалар сони кўпайиб, фермаларнинг маҳсулотдорлиги ошмоқда. 1980 йилда Ўзбекистонда гўшт тайёрлаш 1975 йилдагига нисбатан 33 процент, сут тайёрлаш 47 процент, тухум тайёрлаш 73 процент кўпайди.

Гўшт ресурсларини кўпайтиришда республика матлубот кооперацияси ва давлат савдосининг озиқ-овқат чиқиндиларидан фойдаланиб, чорва моллар ва паррандаларни боқишни кенг кўламда йўлга қўйган корхоналари муҳим роль ўйнамоғи керак. Ҳозирги вақтда савдо ташкилотларининг бўрдоқичилик хўжаликларида 115 минг бош қорамол ва қўй-эчки, 45 минг бош чўчқа, 1 миллиондан ортиқ парранда боқилаётир. Буларнинг сонини янада кўпайтириш имкониятлари бор.

Кўл балиқчилигини ривожлантириш маъқуллашга арзийдир. Ҳозир сунъий кўлларидан, сув омборларидан 20 минг тоннага яқин тирик балиқ олинмоқда. 1985 йилга борио бу рақам 50 минг тоннага етказилади. Бу эса оқсилга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш учун салмоқли ҳиссадир. Шу сабабли савдо ташкилотлари, балиқчилик хўжаликлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари умумий овқатланиш корхоналарида кенг фойдаланиш учун балиқни ташиш, реализация қилиш ва қайта ишлаш моддий-техника базасини кенгайтириш ишларини янада активлаштиришлари лозим.

Ушбу беш йилликда картошка, саб завот, мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайтирилади. Бу эса республика аҳолисини йил давомида янги узилган мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйишга имкон беради. Ана шу мақсадга эришиш учун кўп миқдорда ихтисослаштирилган колхозлар, совхозлар ва районлар тузилди. Биз янги ташкил этилган республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан кўп нарсани кутмоқдамиз. Бу министрлик, шунингдек, Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари мева ва сабзавот сақланадиган омборлар, тайёрлаш пунктлари, складлар, базалар, ихтисослаштирилган магазинлар қуриш масалалари билан жиддийроқ шуғулланишлари керак. Шунингдек, контейнер хўжалигини ҳам тез ривожлантирмоқ лозим.

Ҳозир тайёрлаш ташкилотлари масъулиятли даврга қадам қўйдилар. Улар чакана савдо корхоналарига кўп миқдорда юкори сифатли янги узилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаб, етказиб бериш ишларини кенг кўламда авж олдиришлари талаб қилинади. Ўз навбатида чакана савдо тармоқлари кенг ассортиментдаги ана шу маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва реализация қилишга тайёр бўлишлари лозим.

Республикамизда колхоз бозорлари қуриш ва обод қилиш юзасидан кўп иш қилиняпти. Тошкент, Бухоро, Нукус, Гулистон, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги колхоз бозорлари кўркам ва шинам бўлиб қолди. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол яхши эмас. Бозорларда сотиладиган колхоз маҳсулотларининг салмоғи жуда камлиги ташвишга солмай қолмайди. 1980 йилда Тошкент областидаги 20 та бозордан 4 тасгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида колхозлар билан шартнома тузди. Қашқадарё ва Хоразм областларида ҳам аҳвол ана шундай. Айрим тайёрлаш органларининг бепарволиги, маҳсулотларни бозорга етказиб беришнинг системаси йўлга қўйилмаганлиги чайқовчиликни келтириб чиқармоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қонунга хилоф равишда республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилишига имкон бермоқда. Бундай ҳолларга чек қўйиш учун Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» ва айниқса халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари колхоз бозорларида савдо ишларини яхшилаш, жумладан комиссион асосларда савдони яхшилаш ишлари билан тезда шуғулланишлари лозим.

Сўнгги йилларда республикада фирма савдоси сезиларли даражада ривожланди. Қилинган ишларга ижобий баҳо бериш билан бирга, бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар ҳам борлигини таъ олмоқ керак. Республика Мебель саноати министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, Енгил саноат министрлиги ўнинчи беш йиллик учун белгиланган фирма савдоси тармоқларини ривожлантириш топшириқларини бажармадилар. Масалан, Енгил саноат министрлиги ўн учта ўрнига фақат битта фирма магазинини ишга туширди. Мебель саноати министрлигининг яқинда Тошкентда очилган ана шундай савдо корхонаси эса ҳозирча талабга жавоб бермайди. Фирма савдосига муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Бу рекламага ҳам, савдо ходимларини тайёрлашга, юкори сифатли товарлар етказиб бериш ва харидорларга намунали хизмат кўрсатишга ҳам тааллуқлидир.

Йирик саноат корхоналари, қурилишлар коллективларига, янги ерларни ўзлаштирувчилар ва геологларга хизмат қилиши лозим бўлган министрликлар ва идораларнинг ишчилар таъминоти бошқармалари ва бўлимлари ишига талаб ортиб бормоқда. Лекин кўпгина УРС ва ОРСлар ўз вазифаларини тўла бажармаётир. «Главсредазирсовхозстрой», Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Қурилиш материаллари саноати министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва бошқа министрлик ва идораларнинг ишчилар таъминоти бошқармалари ва бўлимлари моддий-техника базаси яхши ривожлантирилмаган, савдонинг янги формалари қўлланилмаяпти. Коммерция ва иқтисодий ишлар самараси паст, товарларни омборларда тўғри асраш, социалистик мулкни сақлаш тўғрисида гамхўрлик қилинмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети савдо тармоқлари бўлган министрликлар ва идоралар, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ишчилар таъминоти бўлимларининг ишини тубдан яхшилаш учун тегишли чораларни кўрадилар, деб умид қиладилар.

Савдонинг моддий-техника базасини ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб савдо хизматини янада яхшилаш мумкин эмаслиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ўнинчи беш йиллик давомида Ўзбекистонда савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришга 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Йирик холодильниклар, картошка ва мева-сабзавот омборлари, складлар, базалар, шаҳар ва қишлоқларда замонавий универмаглар ишга туширилди. Моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш лозим бўлган комплекс рационаллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ жойларининг ўзидагина беш йил ичида ана шу мақсадларга 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бунинг эвазига магазиналарнинг савдо сатҳи 57 минг квадрат метр кўпайди. Сатҳи ана шунча бўлган янги савдо корхоналарини қуриш эса 2,4 баравар қимматга тушган бўлур эди.

Лекин жиддийроқ ўйлатиб қўйдиган фактлар ҳам бор. Республика Қишлоқ қурилиши министрлиги савдо объектларни қурилиши учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш топшириғини йилдан-йилга бажармаётир. Масалан, министрликнинг ташкилотлари Жиззахда қурилиш муддати 18 ойдан иборат бўлган тақсимлаш холодильникини 1979 йилдан буён қурмоқда. «Главташкентстрой» ҳам савдо объектларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст ишлаш билан қуряпти. «Главташкентстрой» 1979 йилда тиклаган мороженое фабрикасида тара — босма цехи, қуруқ муз цехи, қозонхона ва ошхона қурилиши ҳали ҳам тугалланган йўқ. Уй-жой қурилишидан 5 процентли ажратма ҳисобига савдо объектлари қуриш — яхши ишкил этилмаяпти. Кўпинча янги микрорайонларда магазинлар ва ошхоналар уй-жойлардан бир неча йил кейин ишга тушириляпти. Бу соҳада, айниқса, Тошкент шаҳрида оқсаб қолинаётир. Ҳолбуки, бундай аҳвол жуда катта ноқулайлик келтириб чиқармоқда.

Совет кишилари ҳаёт даражасининг ўсиши умумий овқатланиш хизматини ривожлантиришни тақозо қилади. Келажакда умумий овқатланишнинг аҳамияти янада ортади. Бу тармоқни ривожлантириш учун республикамизда ўтган беш йилликда кўп иш қилинди. Бу ерда товар обороти 34 процентдан кўпроқ ўсди. 220 минг ўринли 2300 корхона ишга туширилди. Ҳўрандаларнинг кети узилмайдиган намунали ошхона, ресторан ва чойхоналаримиз кўп. Шу билан бир вақтда кўпгина масалалар ва проблемалар ҳали ҳам ҳал этилмаган. Ишчи ошхоналарида ўринлар билан таъминланиш даражаси нормативдагига қараганда 78 процентни, студентлар ошхоналарида 61 процентни, мактаб ошхоналарида 42 процентни ташкил этади. Баъзи корхоналар ва ўқув юртларида ошхона умуман йўқ.

Умумий овқатланишни намунали йўлга қўйиш иш вақтини беҳуда сарфлашни камайтиришнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотлар сифатини яхшилашнинг, кадрларни мустаҳкамлашнинг ва энг муҳими — совет кишиларининг саломатлигини сақлашнинг энг тўғри йўлидир. Буни раҳбар ходимлар сира унутмасликлари керак. Замонавий талабларга ва нормативларга мос келадиган қилиб мавжуд ошхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, хўрандаларга хизмат кўрсатишнинг илғор формалари ва методларини тезроқ жорий этиш йўлларини кидириб топмоқ керак.

1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида саноатнинг «Б» группаси тармоқларини «А» группасига нисбатан тезроқ ривожлантириш кўзда тутилган. Шунисн кувончлиги, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда Ўзбекистон катта ютуқларга эришди. Ўнинчи беш йилликда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш 46 процент кўпайди. Бухоро ва Андижон тўқимачилик комбинатлари, Хива гилам комбинати, Қувасой чинни заводи каби йирик корхоналар ишга туширилди. Шунга қарамай, хотиржам бўлишга асос йўқ. Ўн биринчи беш йилликда республика аҳолисига 64 миллиард сўмлик ҳар хил товарлар сотиш планлаштирилган. Афсуски, бундай товарларнинг анчагина қисмини биз мамлакатнинг бошқа районларидан келтиришга мажбур бўляпмиз. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун жуда кўп иш қилишимиз зарурлиги ана шундан ҳам равшан бўлади. Ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 34.7 процент кўпайиши керак. Ҳозирги вақтда ип газлама ва шойи газлама, пайпоқ, чинни ва эмалли идишлар, турли рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириб, тақчилликни тугатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздаги аҳолининг жон бошига йилига 33 метр ип газлама талаб қилиниши ҳисоблаб чиқилган. Амалда эса ҳозир Ўзбекистонда жон бошига 22 метр ип газлама етказиб берилмоқда. План ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, бизга керакли маррага 1985 йилда етиб оламиз. Кийим-кечак тикиш ана кўпайтирилади. Унинг ҳажми 1985 йилга борио 1 миллиард 100 миллион сўмликка етади. Пойабзал ишлаб чиқариш йилига 30 миллион жуфтдан 40 миллион жуфтга етказилади. Ич кийимбоп трикотаж ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Бошқа харидоргир товарлар ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайтирилади. Масалан, гилам ва гилам поёндоз ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилади ва 1985 йилга борио 9 миллион квадрат метрга етади. Чиғаноғ идиш ишлаб чиқариш деярли икки баравар кўпаяди, мебель, маданиймаиший товарлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Бу программани амалга оширишда 1981 йил зарбдор йил бўлмоғи керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика корхоналарига плана қўшимча равишда аҳоли учун зарур бўлган товарлардан 250 миллион сўмлик ишлаб чиқариш вазифасини юклади. Бунинг учун ҳамма имконият ва резервлар бор. Бинобарин республикадаги ҳар бир корхона қайси министрликка тобелигидан ва ихтисослаштирилишидан қатъи назар, кенг кўламда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоғи керак. Бу соҳада маълум тажриба тўпланди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг, «Ўзбекхиммаш» заводининг ва бошқа корхоналарнинг иши ана шундан далолат бериб турибди. Ҳар бир корхонада халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ҳажми пул ҳисобида иш ҳақи фондига тенг бўлишига эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқ керак. Ана шунда Ўзбекистон истеъмол товарларини четдан ташиб келтиришни камайтира олади. Бу эса аҳолини зарур товарлар билан таъминлашни янада яхшилашга мустаҳкам гаров бўлади.

«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ»ГА КЕНГ ЙЎЛ

ПЕШҚАДАМЛАР МАРРАСИ

Андижон областидаги автотранспорт, саноат ва қурилишда хизмат қилаётган кўпчилик ишчилар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш харакатига актив қўшилдилар. Улар орасида КПСС XXVI съезди делегати, Ленинскдаги мотор-ремонт заводининг токари Тошпўлат Жўраев ва Андижон трикотаж фабрикасининг пешқадам ишчиси Турсунбой Холматов ҳамда бошқалар бор.

— Биз, ишчилар, — дейди Тошпўлат Жўраев, — партиямиз XXVI съезди олдимизга кўйган улуғвор вазифаларни мукаммал адо этиш учун шу тахлитда ҳамма вакт олга интилишимиз ва самарали меҳнат қилишимиз керак. Шундай экан, «Ўн бешлар ташаббуси»ни бу соҳадаги катта интилишларнинг биридир. Мен ҳам бу харакатга астойдил қўшилдим. Янги ватанпарварлик харакати ҳар бир ишчи ўрнида, ҳар бир жараёнда меҳнат унумдорлигини ошириш учун янгидан-янги резервларни кидириб топишга ундайди.

Республикадаги ўн беш илғор ишчининг даъвати областдаги кўпчилик коллективларнинг ҳам фаолиятида мустаҳкам ўрин олди. Ўн беш минг илғор ишчи йиллик топшириқни муддатидан олдин— Улуғ Октябрь байрамигача бажаришга аҳд қилди.

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Тошкентдаги чарм-мўйна заводининг илғор ишчилари ҳам республикадаги доғдор ўн беш ишчининг ватанпарварлик харакатига қўшилиб, шу кўнларда ҳар качонгидан ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. Булар орасида корхонанинг моҳир бичиқчиси Валентина Николаевна Ларионова ўзининг самарали меҳнати билан кўпдан-кўп ишчиларга ўрнак бўлмоқда. У кундалик топшириқни 2—2.5 баравар бажаришга эришаётир.

— Бундай ютуқлар аввало иш вақтидан унумли фойдаланиш туфайли қўлга киряпти, — дейди Валентина Николаевна.

Дарҳақиқат, илғор ишчи смена давомида жуда кўп юмушларни бажаришга улгуради. Ишни сифатли бажариш, материалларни иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳатто шогирдларига ўз касби сирларини ўргатиш каби ишларни ҳам ўз вактида бажаради. Смена охирида эса топшириқ икки баравардан ҳам ошириб адо этилганлиги маълум бўлади.

Валентина Николаевна ўн биринчи беш йилликда икки беш йилликни бажаришга аҳд қилган илғорлар сафида бормоқда. Якин кунлар ичида у ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили планини бажарганлиги тўғрисида рапорт беришга тайёрланмоқда.

Илғор ишчининг мусобақадошлари Хадича Жуманова, Шукур Зохидов сингари ишчилар ҳам «Ўн бешлар ташаббусига биринчилар қаторида қўшилишган.

Заводда илғорлар тажрибаси қунт билан ўрганилмоқда. Ўнларча ишчилар илғор тажриба мактабида сабоқ олдилар. Бу эса корхонада барча ишларнинг тобора юришиб кетишига ёрдам бермоқда.

Корхона коллективи йил бошидан буён 216 минг сўмлик пальто, пўстин, чарм камзул, плашч тайёрлаб берди. Йил охиригача ишчилар топшириққа қўшимча яна шунча маҳсулот тайёрлаб беришга аҳд қилишган. Буларнинг ҳаммаси илғорларнинг самарали таъсири ва намунали ишлари туфайли қўлга киритилмоқда.

ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Эргашой Восиева ҳозир графикдан бир квартал илгарилаб кетди. У бирлашмада биринчи бўлиб республикадаги ўн беш илғор ишчининг ташаббусига қўшилиб, асосий диқат меҳнат қилмоқда. Беш йилликда ўн йиллик планни ортиғи билан адо этишга ғарор қилди.

Корхонада Эргашой Восиеванинг жуда кўп издошлари бор. Саида Ражабова, Матлаб Истатова ҳамда яна ўндан ортиқ тикувчи мотористлар беш йиллик топшириқни уч йилда бажаришга сўз беришган. Бу мусобақада Анастасия Видрина, Зебо Асадова, Гуландом Салимова, Моҳира Азимованлар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар бирлашмада касб маҳорати бўйича ўтказилган конкурсда ҳам ғолиб чиқдилар.

Танишинг: Маърифат Зиёева. Тошкент тажриба-пилланашлик фабрикасининг илғор ишчиси. Коммунистик меҳнат зарбдори. Йиллик ва беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга аҳд қилган моҳир пилланаш айни кунларда кунлик нормасини 1,5-2 баравар ошириб адо этмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ХЎРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Янгиқўрғон райони (район партия комитетининг секретари Т. Абдуллаев, район ижроия қомитетининг раиси Х. Умурзоқов, район комсомол комитетининг секретари М. Т. Жўрабоева, пилла қуритиш бош корхонасининг директори М. Махсумова);

Жалолқудуқ райони (район партия комитетининг секретари Т. П. Топволдиев, район ижроия комитетининг раиси К. О. Охунов, район комсомол комитетининг секретари М. Шарипова, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Х. Орзиев);

Булунгур райони (район партия комитетининг секретари И. Хидиров, район ижроия комитетининг раиси Р. Исоқов, район комсомол комитетининг секретари Р. Абдурахмонов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори А. Тўраев);

Хонқа райони (район партия комитетининг секретари М. Жуманиёзов, район ижроия комитетининг раиси Ш. Иброҳимов, район комсомол комитетининг секретари С. Ҳакимова, пилла қуритиш бош корхонасининг директори С. Воисов);

Ҳазорасп райони (район партия комитетининг секретари Ш. Муротов, район ижроия комитетининг раиси И. Давлатёров, район комсомол комитетининг секретари Е. Қутлимуродов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори О. Худойберганов);

Қўшкўпир райони (район партия комитетининг секретари М. Воисов, район ижроия комитетининг раиси К. Ғаппоров, район комсомол комитетининг секретари И. Оллоберганов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори О. Отаниёзова);

Шуманай райони (район партия комитетининг секретари А. Шарипов, район ижроия комитетининг раиси З. Нажимов, район комсомол комитетининг секретари Б. Ҳакимниёзова, пиллачилик катта агрономи Б. Исоқов);

Тахтакўпир райони (район партия комитетининг секретари А. Отамуротов, район ижроия комитетининг раиси Д. Кутибоев, район комсомол комитетининг секретари Ж. Омоншоев, пиллачилик катта агрономи М. Алменова);

Бағдод райони (район партия комитетининг секретари Ғ. Назиров, район ижроия комитетининг раиси К. П. Ҳошимов, район комсомол комитетининг секретари Д. У. Юсупова, пилла қуритиш бош корхонасининг директори М. Ҳамроқулов);

Нукус райони (район партия комитетининг секретари Ю. Ю. Полвонниёзов, район ижроия комитетининг раиси П. Темирхонова, район комсомол комитетининг секретари А. К. Соатдинов, пиллачилик катта агрономи Ш. Ералиева);

Кегайли райони (район партия комитетининг секретари Н. Қўйлибоев, район ижроия комитетининг раиси М. Юсупов, район комсомол комитетининг секретари М. Аметов, пилла қуритиш бош корхонасининг директори Б. Сафарова).

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ИЗЛАНИШ ИНСТИТУТДАН БОШЛАНАДИ

Фан-техника тараққиётининг юксак суръатлари мутахассис кадрлар ўчоғи бўлмиш олий техника мактаблари фаолияти билан боғлиқ эканлиги табиийдир. Бинобарин, республикамиздаги иқтидорли олимларнинг деярли ярми ўз фаолиятларини ҳам техника ижодкорлиги, ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашдек муҳим социал-иқтисодий ҳамда педагогик фаолият билан чамбарчас боғлаб олиб бормоқдалар. Илмий-тадқиқот ишлари билан олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ишларининг бундай уйғунлашиб кетиши кадрлар сифатининг тоборо яхшиланишида гоят муҳим роль ўйнамоқда.

Республикамизда кенжа олий техника мактабларидан бири ҳисобланган бизнинг институтимизда ҳам бу борада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Бутун куч бўлажак мутахассислари ҳозирги замон инженерлик фани асослари билан пухта қуроллантириш, улар олдида техника ижодкорлиги учун кенг фаолият майдони очиш, ҳар тарафлама баркамол мутахассис кадрлар тайёрлашга сафарбар этилган. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларида олий ўқув юртларида илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, бу ишлар кўламини янада кенгайтириш, уларнинг натижаларини халқ хўжалигига дадил жорий этиш, олий техника мактабларини тармоқлараро қудратли ўқув-илмий комплекслар-га айлантириш вазифаси қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисоботида айтилганидек, олий ўқув юртларининг илмий имкониятларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш зарур. Халқ хўжалиги ривожланган сари у ёки бу ихтисослаш кадрларга бўлган талаб ҳам ўзгариб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, институтимизда ана шу кўрсатмани амалга ошириш мақсадида барча звеноларда илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб чиқилмоқда. Бунга кўра, энг аввало, илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва координациялаштириш, тадқиқотлар тавсияларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ўқув-моддий техника базасини мустаҳкамлаш, студентларни илмий-тадқиқот ишларига кенгроқ жалб этиш муҳим вазифалардан деб қаралади. Бу ишларни мунтазам назорат қилиш институт партия ташкилоти билан илмий совет зиммасига юклатилган.

Сўнгги йиллар институтимизда тадқиқот ишлари самарадорлиги бирмунча ошган, кўлами кенгайган даврдир. Чунонча, илмий ходимларимиздан 350 киши 30 дан зиёд темада муҳим тадқиқот ишлари олиб бормоқдаларки, бу жами профессор-ўқитувчилар составининг 90 фоизини ташкил этади. Ифтихор ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари координация планларига кўра 10 мавзудаги тадқиқот ишлари поёнига етказилмоқда. Ўнинчи беш йилликда илмий ходимларимиз хўжалик шартномалари ,асосида бир миллион сўмликдан зиёд иш бажардилар. Шунинг ўзи жойларда 2,2 миллион сўмлик иқтисодий самара берди. Институтимиз билан хўжалик шартномалари тузиш истагини билдираётган корхона ҳамда ташкилотлар сони ортиб бормоқда. Хўжалик шартномалари тузиш кейинги йилларда 1976 йилга нисбатан икки баравар кўпайганлиги тадқиқот ишлари қамрови нечоғли кенгайиб бораётганини кўрсатиб турибди. Шу кеча-кундузда илмий ходимлардан 140 дан ортиқ киши, студентлардан қарийб юз нафари хўжалик шартномаларини амалга оширишдек муҳим иш билан шуғулланмоқда. Бу ҳол сўнгги уч йил ичида шу йўсиндаги тадқиқотлар икки ҳисса кўпайганидан далолат беради.

Бутун диққат-эътибор илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилаётганлиги сабабли профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, техника ижодкорлиги ва илмий ишларга мойил барча студентлар кучи муҳим илмий проблемаларни ҳал қилишга йўналтирилмоқда. Илмий ходимларимиз мамлакатимиздаги кўпгина етакчи олий мактаблар ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, йирик корхона ва муассасалар билан ҳам шартнома тузиб, 30 дан ортиқ мавзу бўйича тадқиқот ишларининг бутун бир комплексини амалга оширмоқдалар. Кенг кўламдаги бу хил ҳамкорлик яқин орада институтимизда ўқув-илмий саноат комплексини бунёд этиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Бу комплекс, ҳеч шубҳасиз, Фарғона регионида энг муҳим халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. РСФСРдаги ҳамда қардош республикалардаги қатор илмий-тадқиқот институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб борилаётган ишларимиз, қолаверса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Қувасой цемент комбинати каби ўнлаб корхоналар, муассасалар билан ҳамкорликдаги тадқиқотларимиз ҳам бу борадаги истиқболли ишларимиздан.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш гоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган ва қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг кўп қиррали проблемаларини ҳал этишда қишлоқ хўжалиги фани олимларигина эмас, шу билан бирга билимнинг ҳамма тармоқлари олимлари бундан буён ҳам актив иштирок этиши гоят муҳимдир, деб уқтириб ўтилган эди. Институт коллективи пахта намлигини назорат қилиш, пахтани тозалаш, қишлоқ хўжалик машиналари алоҳида узел ҳамда деталларининг «умрини узайтириш» каби тадқиқотларни поёнига етказиш юзасидан қизғин иш олиб бормоқда.

Поёнига етган илмий ишлар тавсиясини амалиётга татбиқ этишнинг самаралироқ йўлларини кидириш асосида тажриба-экспериментал устахонаси ишга тушди. Устахона ҳузуридаги махсус группа зиммасига илмий ишларни планлаштириш, туғалланганларини эса ишлаб чиқаришга жорий этиш, саноат корхоналари билан узвий алоқада бўлиб, хўжалик шартномалари тузиш вазифалари юклатилган.

Фаннинг турли соҳаларидаги изланиш ва тадқиқотлар қувонарли натижалар бермоқда. Олимларимиз яратган оптик-электрон приборлар комплекси Москвада Бутуниттифоқ Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг СССР Фанлар академияси павильонида намойиш этилиб, бир олтин ва учта бронза медаль билан тақдирланди. Институтимиз эса кўргазманинг фахрий дипломини олишга муваффақ бўлди.

Тадқиқот ишларига студентлар ҳам кенг жалб этилмоқда. Бинобарин, бу йил юксак малакали, илмий фикрлашга қодир, ҳар жиҳатдан баркамол инженерларни тайёрлашда энг муҳим омилдир. Хўжалик шартномалари асосидагя илмий ишларнинг 30 процентидан кўпроғи бевосита студентлар иштирокида бажарилаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Бизнинг зиммамизга фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга халқ хўжалигига ҳар жиҳатдан етук инженер кадрлар тайёрлаб беришдек масъулиятли вазифа юкланган. Коллективимиз ана шу улуғ мақсад йўлида самарали меҳнат қилаверади.

М. САИДАЛИЕВА,
Фарғона политехника институти ректори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ПАРТИЯ САФИДАН ЎЧИРИЛДИ

«Районимиздаги «Ленин йўли» колхозида давлат ери талон-торож қилинмоқда. Хўжалик раҳбарлари аризамизга қулоқ солишмаётир» (Бир группа ветеранлар ҳатидан).

Ушбу шикоят хат текшириш ва чора кўриш учун **КОСОНСОЙ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**га юборилган эди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Текширишда хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Район партия комитети бюроси мазкур масалани ҳар томонлама муҳокама қилди. Давлат ерининг талон-торож қилинишига ва ер участкаларининг нотўғри тақсимланишига йўл қўйганлиги учун колхоз ер тузувчиси С. Қурбонов партиядан ўчирилди. Колхоз раиси Д. Аҳмедова выговор берилди, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ер тузувчиси И. Аюбхонов эса огоҳлантирилди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ПАХТА, БЕДА, ҲОСИЛ

Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг пахтакорлари чигитни қулай агротехника муддатида экиб ва барча майдонда бир текис ҳамда соғлом ундириб олишди. Улар ғўза парваришини кун сайин кучайтириш, экинининг ривожини тезлаштириш чораларини кўришяпти. Қуйидаги мақолада шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Хўжалигимизда пахта етиштиришнинг аниқ технологияси қарор топган. У кузда ерни шудгорлашдан бошланиб, келгуси йили ҳосил йиғим-теримини ўтказиш билан тугалланади. Одатда механизаторларимиз етиштирилган ҳосил териб олингандан кейин октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошида ерни икки ярусли плуглар билан 40—45 сантиметр чуқурликда сифатли шудгор қилиб қўйишади. Ерни ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга камида 200 килограммдан аммофос, гўғит оборотига кирган майдонларга эса 20—30 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз.

Айни вақтда ерни, албатта, яхшилаб текислаймиз. Бу тадбир жуда муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, ер кузда текислангани учун баҳорда бу ишни амалга оширамиз деб овора бўлмаймиз. Ҳамма эътиборни чигит экишга қаратамиз. Иккинчидан, яхшилаб текисланган ерга экилган чигит ҳамма жойда бир хил чуқурликка тушади ва бир текис униб чиқади.

Бизда ҳар бир чопиқ трактори ўрта ҳисобда 50 гектар ер тўғри келади. Шу туфайли ҳар йили чигит экишни бир ҳафтада тугаллаймиз. Бу ўз навбатида экилган уруғни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш имконини беради. Бу йил ҳам шундай қилдик. Март ойининг охири ва апрель ойининг бошида пахта майдонимизни аввал бороналаб, намни бостирдик. Сўнг чигит экишга киришдик ва бу муҳим агротехника тадбирини 2800 гектар майдонда қисқа муддатда юқори сифатли қилиб тугалладик.

Шуни унутмаслик керакки, ғўза кун санайдиган экин бўлгани учун чигитни барвақт экиб олиш эмас, балки уни тезроқ ундириб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ғўзанинг вегетация даври чигит экилган кундан эмас, унинг униб чиққан кунидан бошланади ва пахта ҳосилининг етилиш муддати парваришнинг интенсивлиги ва сифатига қараб 136—145 кунгача чўзилади. Агар парваришнинг сифати талаб этилган даражада бўлмаса, ғўза ортиқча суғорилса ёки минерал ўғитлар билан озиқлантириш муддатлари кейинга суриб юборилса кўсакларнинг очилиши кечикиши мумкин.

Биз барча пахта майдонини кузда яхшилаб текислаганимиз учун экилган чигит ҳамма ерда бир хил чуқурликка тушди ва баравар униб чиқди. Бу ғўзани бир текис ривожлантириш ва эртароқ ҳосилга киритишнинг асосий гарови ҳисобланади. Ҳар гектар ерда 125—130 минг туп кўчат, тўла гектарлар ҳосил қилинди. Ҳозир асосий эътибор ғўза парваришига қаратиляпти.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Пахтакорларимиз ҳар йили барча майдондаги экинни барвақт шоналатиб ва гуллатиб олишга муваффақ бўлишади. Ҳосил қилинган кўсаклар август ойининг охирида ва кечи билан сентябрь ойининг бошида очилади. Бунга қандай қилиб эришилади, деган савол туғилиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, ғўзани сифатли культивация қилиш, талабига қараб суғориш билан бир қаторда, айниқса, минерал ўғитлар билан эрта муддатларда озиқлантириш ҳосилни барвақт етилтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биз бунн ҳисобга олиб, аввало, чигит экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга зарур миқдорда фосфорли ва азотли ўғитлар соламиз. Бу аввало, экилган уруғнинг тезроқ униб чиқишини ва соғлом бўлишини, қолаверса тупроқдан энди бош кўтарган ниҳолларнинг озуқадан баҳраманд бўлиб, авжини кучайтиришда катта роль ўйнайди.

Ҳозир ғўза тўртинчи марта комплекс парвариш қилиняпти. Бизда культивацияни албатта, ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиргач ҳолда ўтказиш одат тусига кирган. Биринчи культивация ўтказганда ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 100 килограммдан азотли ўғитлар, шу билан бирга зарур миқдорда чиритилган гўнг солинди. Бу тупроқни қизитишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, баҳор об-ҳавоси салқин келган ва тез-тез ёғингарчилик бўлиб турган бу йилги шароитда жуда зарур. Чунки, минерал ўғит экишга озиқ бўлса, маҳаллий ўғит шу билан бирга тупроқни қизитиш, уни майинлаштириш, бинобарин ғўзанинг ривожини тезлаштириш учун жуда зарур.

Пахтакорларимиз ҳар йили барча майдондаги ғўзани минерал ўғитлар билан иккинчи марта озиқлантиришни июнь ойининг бошида, охирги марта озиқлантиришни эса июль ойининг бошида тугаллашади. Бу йил ҳам шундай қилиняпти. Минерал ўғитлар ернинг унумдорлик даражасини ҳисобга олиб, агрономия картограммасига қараб солиняпти. Шу билан бирга, ғўзани озиқлантиришда маҳаллий ўғитлардан ҳам кенг фойдаланяпмиз. Бу ҳамма майдонда тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва ҳосилдорликда яхши натижага эришиш имконини беради.

Июнда ғўзани яна иккн марта комплекс парвариш қиламиз ва бир текис гуллатиб оламиз.

Ғўзани сифатли парвариш қилиб, яхши ривожлантираётганимиз учун ҳосилдорлик тобора ошяпти, давлатга йил сайин кўпроқ пахта етказиб беряпмиз, белгиланган план ва мажбуриятимизни тўлатўкис бажаряпмиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олинди ва давлатга пландаги 8600 тонна ўрнига 10 минг тонна аъло сифатли «оқ олтин» топширилди.

Пахта етиштиришни кўпайтиришда пахта-беда almашлаб экиш жорий этилганлиги ва ўзлаштирилаётганн ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Чунки бу тадбир тупроқнинг унумдорлигини ва бинобарин ҳосилдорликни ошириш имконини беряпти. Жами 3785 гектар экин экиладиган ериниз бор. Ўн далали almашлаб экиш схемаси қабул қилинган. Шунга биноан 2800 гектар ерда пахта етиштирамиз. Беда-поямиз 645 гектар. Ҳар йили 215 гектар уч йиллик беда-поянни ҳайдаб, ўрнига пахта, ўтган йили пахта етиштирилган шунча майдонга эса янги беда экамиз. Бундан ташқари, ўтган йили галла, маккажўхори ва сабзавот етиштирилган 310 гектар ер ҳам пахта билан almаштирилади.

Хўш, пахта-беда almашлаб экиш қандай самара бераяпти? Ўтган беш йилда пахта майдони бошқа экинлар ҳисобига бирмунча қисқарганн ҳолда, пахтанинг ялпи ҳажми 1200 тонна кўпайди. Пахтакорларимиз бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш ва давлатга 11 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бу юксак маррани эгаллашда пахта-беда almашлаб экиш йўли билан тупроқнинг унумдорлиги оширилгани катта аҳамиятга эга бўлади.

Almашлаб экиш чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришни ҳам таъминлаяпти. Ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб беда пичани, 500 центнердан ошириб силосбоп кўкпоя оляпмиз, кўп миқдорда дағал ва ширали озуқа тайёрлаяпмиз. Масалан, ўтган йили 7200 тонна емхашак жамғарилган эди. Бу мавжуд 1320 бош қорамолни тўйдириб боқиш имконини берди. Бу йил озуқа экинларининг ҳосилдорлигини янада ошириб, чорва моллар учун бир ярим-икки йилга етадиган емиш тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Бу ўтган йилдагидан анча кўп — 250 тонна гўшт, 1800 тонна сут етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажаришнинг асосий омили бўлади.

Пахтакорларимиз ва чорвадорларимиз экинларни ҳамда чорва моллари парвариш қилишни яхшилаш асосида бу йил пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳақида берган ваъдаларини тўла ва ошириб бажарадилар.

А. ҚОЗОҚБОЕВ,
Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг директори, республикада хизмат кўрсатган агроном.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУХОРО. Свердлов райони пахтакорлари бу йил она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилишган. Бу ерда 15 минг гектардан кўпроқ майдондаги ғўзалар шу куннинг талаблари даражасида парвариш қилинмоқда.

С. ҲАЙИТОВ.

САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги Крупская номли колхознинг Ашурбой Эшбеков раҳбарлик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси азаматлари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон, 400—500 центнердан кўкпоя олишни мўлжаллашяпти. Аҳдига вафодор деҳқонлар экинни меҳр билан парвариш қилишаётир.

И. ХОЛИҚУЛОВ.

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон районидаги К. Маркс номли совхоз азаматлари пахтадан мўл ҳосил кўтариш учун қурашмоқдалар. Хўжаликнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ҳазратқулов етакчилик қилаётган бригадаси чўлқуварлари 230 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан ипак пахта топширишга қарор қилишган.

Ф. ИШЧЕНКО.

ХОРАЗМ. Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон» колхозининг Р. Матёқубов бошлиқ бригадаси заршуносларн ғаналашни қиска вактда муваффақиятли ўтказдилар. Бригада азаматлари ҳозиргача 40 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига икки марта, қолган 30 гектар майдонга эса бир марта сифатли ишлов бердилар. Пешкадам коллектив бу йил гектаридан 57,5 центнердан ҳосил олиш учун курашяпти.

Ф. АБДУЛЛАЕВ.

СУРХОНДАРЁ. Ленин йўли районидаги Ленин номли совхознинг Тожи Турдиев бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган йили гектаридан 48 центнердан пахта хирмони кўтарган эдилар. Бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Бригаданинг дастлабки чигит экилган майдонларидаги ғўзалар шоналай бошлади.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

АНДИЖОН. Андижон пахтачилик институти қошидаги ўқув-тажриба хўжалигининг биринчи бригадаси аъзолари съездлар йилида 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтаришга азму карор қилишган. Тажрибакор деҳқон, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Эсонбой Камолов етакчилик қилаётган бу коллектив «Андижон-2» навли пахта уруғини бу йил биринчи маротаба экиб, уни яхши парваришлашмоқда.

У. ИСМОИЛОВ.

ҲАМАНГАН. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган Тўрақўрғон районн бўрдокибоқарлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Қабул пунктларига пландаги 489 тонна ўрнига 529 тонна юқори семизликда гўшт етказиб берилиб, бу борадаги ярим йиллик план муддатидан олдин адо этилди.

А. САЙДАҲМЕДОВ.

ЖИЗЗАХ. Бахмал райони чорвадорлари махсулот етиштириш ва давлатга топширишни уюшқоклик билан олиб бормоқдалар. Съездлар йилида давлатга 1 миллион 300 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини қабул қилган бахмаллик паррандабоқарлар пландаги 530 минг дона ўрнига 598 минг дона тухум топширди мой ойининг дастлабки ўн кунлигида ярим йиллик планни ошириб бажардилар.

А. АЛПОМИШЕВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ҒОЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ҲУЖЖАТЛАР

«Нью даг» нашриёти норвег тилида нашр этган тўплам «КПСС XXVI съездининг материаллари» деб аталади. Тўпламга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг доклади ва совет коммунистлари анжуманининг бошқа ҳужжатлари киритилган.

Норвегия жамоатчилигининг Ослода бўлиб ўтган учрашувида мазкур китоб билан таништирилди. Учрашувда «Норвегия—Совет Иттифоқи» жамияти, Норвегия Компартияси, мамлакатдагн бир қанча прогрессив ташкилотларнинг раҳбарлари ва активлари иштирок этдилар.

Тўплам бугун дунё коммунистлари учун ғоят катта аҳамиятга эга, деди ТАСС мухбирига Норвегия Компартиясининг Раиси М. Г. Кнутсен. Мазкур ҳужжат мураккаблашган халқаро вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берган фавқулодда муҳим ҳужжатдир.

Л. И. Брежневнинг докладида ўртага қўйилган, жумладан, Европага таллуқли аниқ-нуҳта ва ғоят мукаммал тинчлик ташаббуслари, деди М. Г. Кнутсен, биз коммунистлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Яхши ниятли ҳар бир киши, деб давом этди у, Л. И. Брежнев XXVI съездда қилган докладида «Эртанги кунга йўл кўрсатувчи сиёсат — халқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини бемаъниларча исроф қилишга дучор этадиган урушга ҳозирлик кўриш сиёсати эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш сиёсатидир» деб айтган сўзларининг ғоят муҳим эканлигини таъкидламай ўта олмайди.

(ТАСС).

ОСЛО.

ЛИВАН. Бу оила фалангистлар ўнг христиан «Ливан фронти» ҳарбий бўлинмалари билан Ливанда тинчликни сақлаш бўйича арабларарО кучлар ўртасида чиқарган тўқнашувлар натижасида бошпана ан айрилди.

АП—ТАСС телефотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕРЛИН.
Зуль округидаги хушманзара Биберау деган жойда янги пансионат дам олувчилар учун ўз эшикларини кенг очди. Касаба союзларининг мана шу шифохонасида бир вақтнинг ўзида 200 дан ортиқ меҳнаткаш ўз фарзандлари билан бирга дам олиши мумкин. Округдаги курортлар ва дам олиш уйлари бу йил жами 800 мингдан кўпроқ дам олувчини қабул қила олади.

СОФИЯ.
Саноат сувларини тозалаш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш соҳасида социалистик мамлакатлар кучғайратларини мувофиқлаштириш, уларнинг ана шу техникага бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун кучғайратларни бирлаштириш — «Интерводоочистка» халқаро хўжалик ширкати фаолиятни белгиловчи муҳим вазифадир. Маркази Софияда жойлашган мазкур ширкатга Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия ташкилотлари киради.

ГАВАНА.
Кубанинг Ольгин вилоятидаги Моа кон-металлургия комплекси қурувчилари йил бошидан бери ишлаб планини 112 процентдан ошириб адо этдилар. Бу комплекс республикада шу беш йилликнинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда 26 июль — миллий қўзғолон кунини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббуси қурувчилар орасида кенг ёйилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 10 минг кубометрдан ортиқ бетон графикдан анча ўзиб ётқизилди, 2,5 минг тонна металл конструкция ва технология асбоб-ускуналари монтаж қилинди.

(ТАСС, 8 июнь).

ДУСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

САН-ТОМЕ, 8 июнь. (ТАСС). Сан-Томе ва Принсипи ороллари озод қилиш ҳаракати таклифига биноан бу ерга келган КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов бошчилигидаги КПСС делегациясини Сан-Томе ва Принсипи ороллариги озод қилиш ҳаракати мувофиқлаштириш кенгаши сиёсий бюросининг аъзолари Э. Карвалью билан Р. Браганса Нето қабул қилди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро раислигида Гаванадаги Карл Маркс номли театрда Куба Ички ишлар министрлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Бу ерга келган совет делегациясининг бошлиги, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Чурбанов Куба Ички ишлар министрлигининг шахсий составига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг самимий кутловларини топширди. Ҳозир бўлган ҳамма кишилар бу кутловларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Ногик Ленин Ватанининг Куба революциясига ва Куба халқига нисбатан чуқур дўстлик ва қардошлик туйғуларини уқтириб ўтди. Делегация бошлиги, социалистик Кубанинг ёш давлатларга, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларга бераётган интернационалистик ёрдамини алоҳида қайд этди.

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

ПРАГА. Бу ерда ЧССР Миллий фронти Марказий сайлов комиссиясининг ЧССР федерал мажлисига ва бошқа ҳокимият органларига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди.

Федерал мажлисниг иккала палатаси депутатлигига Миллий фронт кўрсатган номзоллар учун сайловчиларнинг 99,96 проценти овоз берди. Область миллий комитетларининг, шунингдек Прага ва Братислава миллий комитетларининг депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,97 проценти овоз берди. Маҳаллий миллий комитетларга 182.188 депутат сайланди. Сайловчиларнинг 99,69 проценти уларни ёқлаб овоз берди.

Чехословак халқи сайлов давомида Чехословакия Коммунистик партияси билан Миллий фронтининг сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлашини намойиш этди, ЧКП XVI съезди программасини қўллаб-қувватлади, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва иттифоқ тарафдори эканини билдирди, дейилади сайлов комиссиясининг ахборотида.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

МАНИЛА. Филиппин маъмурлари мамлакат раҳбарларини, шу жумладан президент Ф. Маркосни ўлдириш мақсадини кўзловчи фитна фош этилганлигини эълон қилдилар. Расмий ахборотда уқтириб ўтилишича, фитнанинг бир учи чет элларга, аввало АҚШга бориб тақалади, ҳукумата қарши бўлган ўнг буржуа гуруҳлар шу мамлакатдан бошпана топганлар. Фитначилар оммавий террор бошлашга, Филиппиндаги аҳволни ёмонлаштиришга ва 16 июнда тайинланган президент сайловини барбод қилишга умид қилган эдилар.

Пойтахт округида қўлга тушириган бир гурух шахслар фитнага ҳозирлик кўриб қўйилганини тан олдилар, деб уқтирилади ахборотда. Матбуотнинг хабар қилишича, маъмурлар Манила шаҳри яқинида портловчи моддалар ва қўпорувчиликка даъват этувчи адабиёт яширилган жойни аниқладилар. Кесон вилоятида кўп миқдорда қуролярог, ўқ-дори ва ҳукумата қарши ташвиқот материаллари қўлга тушириган.

ПЕКИН БОШ МИНИСТРИНИНГ САФАРИ

ДАККА. ХХР Давлат кенгашининг Бош министри Чжао Цзян Бангладеш пойтахтига келди. Дакка — унинг сафаридаги сўнгги пунктдир, бундан аввал у Покистон ва Непалда бўлди.

Визит Бангладеш президенти Зиёур Раҳмон Читтагонгда фитначилар қўлида фожиали ҳалок бўлганидан кейин орадан атиги бир ҳафта ўтиши билан ноқ бошланди.

Маҳаллий кузатувчилар сўнгги танглик даврида Хитойнинг Даккадаги элчихонаси одатдан ташқари активлик қилганига эътиборни жалб этдилар. Зиёур Раҳмон ўлдирилиши арафасида генерал Манзурнинг укаси Даккадан ғойиб бўлган эди, бу кимса «Пурба Бангла самъябади дал» деб аталган маопараст партиянинг аъзосидир.

Тараққийпарвар матбуот Бангладеш ва Ҳиндистон территориясида Пекинга итоатгўй кўғирчоқ давлат тузиш режаларини кўтариб юрган пекинпараст сепаратчиларнинг фаолияти хавфли эканини неча марталаб огоҳлантирган эди. Мамлакатнинг бошқа районларида ҳам маочилар активлашиб бораётганлиги, улар ўта ўнг мусулмон руҳонийлар гуруҳлари билан, чунончи «Жамоати Ислом» гуруҳи билан бирикиб кетаётганлиги Бангладеш жамоатчилигини хавотирга солмоқда. Бундай бирикиб кетиш амалда доимо ички сиёсий вазиятнинг ёзган чиқишига олиб борганини фактлар кўсатиб турибди.

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ ВИЗИТИ

ТОКИО. БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Японияга келди. У Япония Бош министри Д. Судзуки билан, ташқи ишлар министри С. Сонода билан учрашиб, халқаро проблемаларни ҳал этишда БМТнинг роли тўғрисида улар билан фикрлашиб олди.

(ТАСС, 8 июнь).

НАТОНИНГ ЖАНУБИЙ АТЛАНТИКА НУСХАСИ

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган «Америкааро симпозиум —1981» деган йиғинда агрессив НАТО блокининг ҳаракат доирасини кенгайтириш ва ундан нуска кўчириб, Жанубий Атлантика шартномаси (САТО) деб аталган ташкилот тузиш режалари муҳокама қилинди. Мана шундай сохта илмий ниқоб остида Буэнос-Айресда АҚШ, ЖАР ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларидан келган стратегик проблемалар мутахассисларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Жанубий Атлантикадаги жандармчилик вазифаларини бажариш учун хизмат қиладиган янги ҳарбий ташкилот билан Шимолий Атлантика блокини тўлдириш ғоясини АҚШ, ирқчи Жанубий Африка Республикаси, Чили хунтасининг реакцион доиралари, шунингдек Америкаининг энг катта монополиялари, аввало Морганнинг банк империяси қўллаб-қувватлаб чиқди. Бу ғоя ўртага ташланганига ўн йилдан ошди. Ўша вақтда АҚШ давлат секретари бўлган Киссенжер бу ғоянинг муаллифи ҳисобланади. Рейган маъмурияти Оқ уйга келиши билан САТОни тузиш лойиҳаси янада кучлироқ қўллабқувватлана бошланди.

Бу ҳарбий блокнинг мақсадлари равшан кўриниб турибди. У Жанубий Атлантика, Африка ва Ҳинд океани районида Ғарбнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини таъминлаш; Лотин Америкасида Африка халқларининг кучайиб бораётган миллий озодлик курашини бостириш, бу халқларнинг ҳозир империалист монополиялар ваҳшиёна эксплуатация қилаётган ўз табиий бойликларини ўзлари тасарруф қилишларига имкон бермаслиги ва ниҳоят, ЖАРдаги жиноятқор ирқчи режимни ва Чили ҳарбий фашист хунтасини халқаро яккаланишдан қутқариш лозим.

АҚШ паноҳида тузиладиган янги блокнинг ўқини халқ манфаатларига зид бўлган айни мана шу режим ҳосил қилишининг сабаблари равшан. Ҳозирнинг ўзидаёқ Претория Пиночет хунтасига турли қурол-яроғлар етказиб бермоқда, манфур хунта эса ирқчиларнинг Африка жанубидаги озодлик ҳаракатларига қарши ва ҳаттоки операцияларида, озодликка эришган қўшни давлатлар — Ангола ва Мозамбикка қарши игвогарлик ҳуружларида қатнашиш учун ўз солдатларини ЖАРга юбормоқда.

Бироқ Вашингтон Жанубий Американинг энг катта мамлакатлари — Бразилия билан Аргентинани ўзининг авантюрачилик режаларини амалга оширишга жалб этишга муваффақ бўла олмаяпти. Шу мамлакатларнинг президентлари Ж. Фигейреду билан Р. Виола яқинда Қўшма баёнот эълон қилиб, шу планларга қўшилмасликларини билдирдилар ва Жанубий Атлантика блоки тузилишига қатъиян қарши эканликларини айтдилар. Иккала мамлакатнинг ҳукуматлари мазкур «Америкааро симпозиум»да қатнашишдан бош тортдилар. Вашингтоннинг Жанубий Атлантикадаги империалистик режалари дунёнинг шу райони халқларининг тобора кучли қаршилигига ҳам дуч келмоқда.

В. СЕРОВ,
(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДАККА. Читтагонгда ҳарбий исён сабабларини текширишга киришилди. Ана шу исён натижасида Бангладеш президенти Зиёур Раҳмон ўлдирилган эди. Ҳукумат расмий вакилининг хабар беришича, тергов тугаганидан кейин давлат тўнтариши қилишга уринишда алоқадор бўлган ҳамма кишилар судга берилади.

АНТАНАНАРИВУ. Мадагаскар пойтахтида СССР савдо-саноат палатасининг ахборот маркази очилди. Бу ахборот маркази Совет Иттифоқи билан Мадагаскар Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим. Экспонатлар ва реклама проспектлари СССР ривожланаётган мамлакатларга таклиф этаётган хилма-хил моллар ҳақида ҳикоя қилади. (ТАСС).

СПОРТ

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

*** ЧИМ ХОККЕЙ. «Андижанка» хоккейчилари Европа чемпионлари кубоги учун ярим финал ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказмоқдалар. Хоккейчиларимиз Брюсселда Англиянинг «Нортон Лэдиз» клубини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратиб, Ирландиянинг «Портадаун» командаси билан ўйинни 1:1 қилдилар. Шундай қилиб, «Андижанка» ҳисобида учта очко тўпланди.**

*** ҚИЛИЧБОЗЛИК. Москвада СССР чемпионати якунланди. Вакилимиз И. Лукачер кучли ўнликдан жой олиб, қиличбозларимиз команда ҳисобида биринчи марта 8-ўринни эгаллашди. Рапирачимиз П. Железнов эса 5-ўринни олди. Шамширичиларимиз команда ҳисобида 4-ўринга кўтарилишди. П. Либерман шахсий ҳисобда 5-бўлди. Умумкоманда ҳисобида спортчиларимиз 6-ўринни эгаллашди.**

*** ФУТБОЛ. Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг 14-тур ўйинларини ўтказишди. Тошкентда «Пахтакор» командасининг «Нефтчи» футболчилари билан учрашуви мароқли ва мазмунли бўлди. Пахтакорчилар учрашув бошидан ташаббусни қўлга олиб, ҳужумкор руҳда ўйнадилар. Пахтакорчилар меҳмонлар дарвозасига учта навбосиз тўп киритдилар. Тўпларни А. Петрушин, М. Кабаев ва А. Якубиклар дарвозага йўллашди. Шундай қилиб, «Пахтакор» охирги ўриндан бир поғона кўтарилди. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди. «Спартак» — «Днепр» — 3:1, «Динамо» (Тб) — ЦСКА — 2:1, «Динамо» (М) — «Шахтёр» — 1:1, «Қайрат» — СКА — 1:0, «Зенит» — «Динамо» (К) — 1:3, «Арарат» — «Торпедо» — 3:2, «Динамо» (Мн) — «Черноморец» — 1:1. Ҳозир киевлик динамочилар 22 очко билан пешқадамлик қилмоқдилар. «Спартак» ва торпедочиларда 16 тадан очко бор.**

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ
9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-спектакль. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Концерт. 16.20 — Сизга маъзур шеърлар. 16.50 — Болалар. Бадиий фильм. 1-серия. 18.00 — Ишлар адреслари. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 22.15 — Кинолавҳа. 20.25 — Кутаман ва умид қиламан. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — СССРда Монголия Халқ Республикаси маданиятн кунларининг очилиши. Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Мультфильм. 18.35 — Жонажон ўлка. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шеърият билан учрашув. 21.30 — Время. 22.00 — Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.15 — Ўн иккинчи кеча. Бадиий фильм.

II

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Она тили. 19.30 — Ишлик. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 21.10 — Физика.

РАДИО

БУГУН
БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 9.35 — М. Бурҳонов ва М. Ашрафий романслари. 12.10 — Ўзбекистон ашчиси. 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 14.00 — Тошкент технологиясига таяниб. 18.15 — Ишлик. 19.25 — Гижжакда И. Тўраев чалади. 20.50 — Фан уфқлари. 21.00 — СССР ёзувчиларининг VIII съездига. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Ёз оқшомлари. Лирик музикали программа. 23.15 — Дам олиш соатида.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VI да Келинлар қўзғолони, 10/VI да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VI да Ҳижрон.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — КУЛГИ КЕЧАСИ. Хайрлашув гастроллари.

СССР Ички ишлар министрлиги
ТОШКЕНТ ВА РЯЗАНЬ ОЛИЙ МАКТАБЛАРИ, ВЛАДИМИР, УФА ВА ЧИМКЕНТ УРТА МАКТАБЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати олий мактабларда 4 йил, ўрта мактабларда 2 йил.

Олий мактабларга кирувчилар — рус тили (ишшо ёки баён), СССР тарихи (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), чет тилидан; ўрта мактабларга кирувчилар — рус тили (ёзма), СССР тарихи (оғзакидан кириш имтиҳони топширадилар.

Ички ишлар министрлигининг мактабларига Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва ёши 30 дан ошмаган йигитлар қабул қилинади.

Мактабни тугатганларга ички ишлар хизмат лейтенанти унвони ва юристлик дипломи берилади.

Мактабга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (асли), ишлаб чиқариш ёки хизмат характеристикаси, комсомол ёки партия характеристикаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма, ҳарбий билет.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП. Куйбишев шоссеси 25-уй, 249-хона, кадрлар бўлими (7, 12, 26, 52-автобусларнинг «Ўзбумкомбинат» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қузуридаги республика раҳбар ходимларининг малакасини ошириш институти коллективи кафедра мудири, иқтисод фанлари кандидати Н. Ниязова рафиқаси

Ойнисга
САЙФУДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи ўқув ишлари бўйича институт проректори Х. М. Муродова акаси

Зайниддин Муродович МУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари ва факультет кафедраси коллективи шу кафедра доценти

Ренат Исломович ҲАМИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

1981–1982 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ

(Бабушкин кўчаси, 4-уй)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари; электрон-ҳисоблаш машиналари, асбоблари ва қурилмалари; ҳисоблаш ва ҳисоблаш-аналитик машиналардан фойдаланиш ҳамда уларни ремонт қилиш; контроль қилиш ва автомат системаларини монтаж қилиш ва созлаш; ташкилий техника воситалари.

Кечки ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; металларни кирқиб ишлаш; совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари; электр аппаратсозлиги; кабель ва симлар ишлаб чиқариш; электрон-ҳисоблаш машиналари, асбоблари ва қурилмалари; контроль қилиш ва автомат системаларини монтаж қилиш ва созлаш; ярим ўтказгичли асбоблар ишлаб чиқариш; ташкилий техника воситалари.

Сиртқи ўқишга: совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари, контроль қилиш ва автомат системаларини монтаж қилиш ва созлаш; саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ТЕХНИКУМИ

(К. Маркс кўчаси, 25-уй)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; кон электромеханикаси; нодир ва рангли оғир металлар металлургияси; қора металларни қуйиб ишлаб чиқариш; рангли металлургия заводларининг ускуналари; рангли металлар ва қотишмаларни қуйиб ишлаб чиқариш.

Кечки ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; нодир ва рангли оғир металлар металлургияси; қора металларни қуйиб ишлаб чиқариш.

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; қора металларни қуйиб ишлаб чиқариш.

КАТТАҚУРҒОН ПЛАН-ИҚТИСОД ТЕХНИКУМИ

(Шавқий кўчаси, 20-уй)

Кундузги ўқишга: озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик; бухгалтерия ҳисоби; савдода бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: бухгалтерия ҳисоби; озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик.

БЕКОБОД ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(«Ғалаба» кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; иссиқлик электр станцияларининг буғ генераторлари ва турбина қурилмалари; чўкичлаб ва штамповкалаб ишлаб чиқариш; металл ишлаш дастгоҳлари ва автомат линияларини монтаж қилиш ҳамда улардан фойдаланиш; тўқима материаллар технологияси; металл бўлмаган ҳимоя қопламалари, прокат ишлаб чиқариши.

Кечки ўқишга: электр станциялари тармоқлари ва системалари; саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; иссиқлик электр станцияларининг буғ генераторлари ва турбина қурилмалари; металл ишлаш дастгоҳлари ва автомат линияларини монтаж қилиш ҳамда улардан фойдаланиш; тўқима материаллар технологияси.

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; иссиқлик электр станцияларининг буғ генераторлари ва турбина қурилмалари.

Н. ҒАНИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ КИНО ТЕХНИКУМИ

(Студентлар шаҳарчаси, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: кино ускуналари ва улардан фойдаланиш; бухгалтерия ҳисоби.

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Ш. Руставели кўчаси, 105-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: таом тайёрлаш технологияси; саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик; озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик; товаршунослик; моддий-техника таъминоти ва савдо.

Кечки ўқишга: таом тайёрлаш технологияси; саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик.

ЯНГИЙЎЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд кўчаси, 403-уй)

Кундузги ўқишга: нон пиширыш саноати; ачитқи ишлаб чиқариш; гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси; виночилик технологияси; таом тайёрлаш технологияси; кондитер ишлаб чиқариши; мойлар ва мойларнинг ўрнини босадиган моддалар технологияси.

Сиртқи ўқишга: виночилик технологияси; гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси; таом тайёрлаш технологияси; кондитер ишлаб чиқариши; мойлар ва мойларнинг ўрнини босадиган моддалар технологияси.

Техникум технология ва балиқчилик ихтисоси бўйича кооперация йўли билан Дмитриевск балиқ саноати техникумига қабул ўтказади.

М. Т. УРОЗБОЕВ НОМЛИ ҚУҚОН КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(К. Маркс кўчаси, 5-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: биноларнинг техник эксплуатацияси, газ хўжалиги; сув таъминоти; саноат ва оқар сувларни канализация қилиш ва тозалаш; водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлар қурилиши; коммунал хўжалик корхоналарида планлаштириш.

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Пролетар кўчаси, 26-уй)



Кундузги ўқишга: металларни қирқиб ишлаш; ёғочсозлик саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари; корхоналарнинг ускуналари; мебель ишлаб чиқариш; тикувчилик ишлаб чиқариши; чарм технологияси; чарм буюмлар технологияси; трикотаж ишлаб чиқариши; пойабзалларни моделлаштириш ва чармни бадиий безаш; кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш.

Кечки ўқишга: металларни қирқиб ишлаш; тикувчилик корхоналарининг ускуналари; мебель ишлаб чиқариш; ип-йигирув ишлаб чиқариши; тўқувчилик ишлаб чиқариши; газмолларни безаш; тикувчилик ишлаб чиқариши; чарм буюмлар технологияси; жун-йигирув ишлаб чиқариши.

Сиртқи ўқишга: мебель ишлаб чиқариш; тикувчилик ишлаб чиқариши; чарм буюмлар технологияси; трикотаж ишлаб чиқариши.

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

(Сельмашская кўчаси, 6-уй)

Кундузги ўқишга: машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

Кечки ва сиртқи ўқишга: металларни қирқиб ишлаш; асбобсозлик ишлаб чиқариши; машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Навоий кўчаси, 32-уй)

Кундузги ўқишга: архитектура; саноат ва граждан қурилиши; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши; геодезия; инженерлик геодезияси.

Кечки ўқишга: архитектура; саноат ва граждан қурилиши; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

УРГАНЧ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Ленин кўчаси, 20-уй)

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; газ хўжалиги; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

БУХОРО ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Промишленная кўчаси, 26-уй)

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; металл ва темир-бетон конструкцияларини монтаж қилиш; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши; қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойлар архитектураси; қишлоқ хўжалик ва граждан қурилиши.

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

Сиртқи ўқишга: қурилиш машиналари ва ускуналари; саноат ва граждан қурилиши.

ҒУЗОР ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Охунбобоев кўчаси, 30-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

ОҲАНГАРОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЕХНИКУМИ

(Восточная кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; қурилиш материаллари саноати машиналари ва ускуналари; пластик масса буюмларининг технологияси; қурилиш материаллари корхоналарида планлаштириш.

Кечки ўқишга: қурилиш материаллари саноати машиналари ва ускуналари; пластик масса буюмларининг технологияси.

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш; қурилиш материаллари саноати машиналари ва ускуналари; қурилиш материаллари корхоналарида планлаштириш.

ТЕРМИЗ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Дзержинский кўчаси, 6-уй)

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; қурилиш деталлари ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

НУКУС ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Қўнғирот шоссеси)

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; қурилиш деталлари ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши; биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

МАРҒИЛОН ПЛАН-ИҚТИСОД ТЕХНИКУМИ

(Ишчи болалар кўчаси, 10-уй)

Кундузги ўқишга: енгил саноат корхоналарида планлаштириш; қурилишда планлаштириш; статистика; бухгалтерия ҳисоби; ҳисоблаш ишлари ва ҳисоблашни механизациялаш; савдода бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: енгил саноат корхоналарида планлаштириш; қурилишда планлаштириш; бухгалтерия ҳисоби; савдода бухгалтерия ҳисоби.

САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Оғалиқ кўчаси, 2-уй)

Кундузги ўқишга: совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари; озиқ-овқат саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари; нон пиширыш саноати; консервалаш технологияси; сут маҳсулотлари технологияси; таом тайёрлаш технологияси; озиқ-овқат саноати корхоналарида планлаштириш.

Кечки ўқишга: совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари; озиқ-овқат саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари; нон пиширыш саноати; таом тайёрлаш технологияси.

Сиртқи ўқишга: совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари; нон пиширыш саноати; консервалаш технологияси; сут маҳсулотлари технологияси; таом тайёрлаш технологияси.

ЛЕНИНСК СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Киров кўчаси, 11-уй)

Кундузги ва сиртқи ўқишга: таом тайёрлаш технологияси; саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик; озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, бухгалтерия ҳисоби; савдода бухгалтерия ҳисоби.

НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(2-микрорайон)

Кундузги ўқишга: тўқимачилик саноати корхоналарининг ускуналари; пиллакашлик ва ипак эшиш; ип-йигирув ишлаб чиқариши; тўқимачилик саноати корхоналарида планлаштириш; нотўқима тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш; газмолларни безаш; тўқувчилик ишлаб чиқариши; тикувчилик ишлаб чиқариши.

Кечки ўқишга: тўқувчилик ишлаб чиқариши; ип-йигирув ишлаб чиқариши; тикувчилик ишлаб чиқариши; тўқимачилик саноати корхоналарида планлаштириш; тўқимачилик саноати корхоналарининг ускуналари.

Сиртқи ўқишга: тикувчилик ишлаб чиқариши; ип-йигирув ишлаб чиқариши; пиллакашлик ва ипак эшиш; тўқувчилик ишлаб чиқариши; тўқимачилик саноати корхоналарида планлаштириш; газмолларни безаш.



СССР ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўрта махсус ўқув юртларига 30 ёшгача бўлган саккизинчи синф ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумотли СССР граждан-лари — йигит ва қизлар қабул қилинади. Кечки ва сиртқи ўқишларга саккизинчи синф ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумоти бўлиб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб кишилар ёшидан қатъи назар қабул қилинади.

Саккиз йиллик ёки етти йиллик умумтаълим мактабларини тугатган, шунингдек, ўрта мактабни тугатмай қолган кишилар саккиз йиллик мактаб базасида тузилган группаларга қабул қилинадилар.

Умумтаълим ўрта мактабларини тугатганлар ўрта маълумотлилар группасига қабул қилинадилар.

СССР территориясида яшаётган бошқа давлатларнинг граждан-лари ўрта махсус ўқув юртларига умумий асосларда қабул қилинадилар.

Умумтаълим мактабларини фахрий ёрлиқ, олтин ёки кумуш медаль билан ҳамда ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар; саноат корхоналари, қурилишлар, совхозлар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотлардан йўлланма билан келганлар; камида икки йил иш стажига эга бўлганлар ва ўқиш учун танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётганлар ҳамда Совет Армияси сафида хизматни (камида 2 йил) ўтаб қайтганлар ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Баъзи мутахассислик ва таълим формаларига кириш учун қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади.

Кечки ва сиртқи бўлимларга мутахассислик эгаллаш ва малака ошириш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётганлар қабул қилинади.

Балоғат ёшига тўлмаганларнинг меҳнат қилиши тақиқланган иш соҳалари бўйича мутахассисликларда саккиз йиллик мактаблар базасида тузилган кундузги ўқиш группаларининг биринчи курсига фақат юқори курсларда ўтказиладиган ишлаб чиқариш практикаси давригача ун саккиз ёшга тўладиганларгина қабул қилинадилар.

Баъзи кон, металлургия, қурилиш, ҳаво ва сув транспорти ҳамда бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга биноан хотин-қизлардан қабул қилиш чекланади.

Саккиз йиллик ёки ўрта мактаб базасида ҳунар-техника билим юртларини битирганлар қонунга мувофиқ иш стажига эга бўлсалар, кундузги ўқишга қабул қилинадилар. Бу чеклаш ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳолар билан битирганларга ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига кираётганлар учун ҳам таалуқлидир.

Ягона формали қабул ҳақидаги ариза танланган мутахассислик кўрсатилган ҳолда ўрта махсус ўқув юртининг директори номига ёзилади.

Сиртқи бўлимга кираётганлар кириш ҳақидаги аризани ўзлари ишлаётган жойга яқин бўлган ўрта махсус ўқув юртининг маълум мутахассисликлари бўйича сиртқи бўлимига топширадилар.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, мактаб врачи ёки район шифохонаси берган 286-формадаги медицина справкаси, бош нийимсиз тушилган 3х4 см. ҳажмдаги тўрт дона фотосурат; кечки ва сиртқи, шунингдек кундузги бўлимларга кираётганлар ишлаб чиқариш практикасига (икки йилдан кам бўлмаган стажга) эга бўлганлар корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари томонидан кадрлар бўлимининг бошлиги тасдиқлаган меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма; корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ташкилотлардан берилган ягона формадаги йўлланмани ҳам ариза топшираётганларида қўшиб берадилар.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет (ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган запасдаги кишилар) ёки ҳарбий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (чақирув ёшидагилар)ни шахсан кўрсатадилар ва булар ҳақида шахсий делога ёзиб қўйилади.

Ўрта махсус ўқув юртларига кираётганлардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонлари ва ўқувчилар составига қабул қилиш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

Кундузги ўқишга аризалар ҳамма ўрта махсус ўқув юртларига — саккиз йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига 1 августгача, кириш имтиҳонлари, 1 августдан 21 августгача, ўқувчилар составига қабул қилиш 21 августдан 26 августгача; ўн йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига аризалар 15 августгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 22 августгача; ўқувчилар составига қабул қилиш 22 августдан 26 августгача.

Кечки ўқишга саккиз йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига аризалар барча ўрта махсус ўқув юртларига 7 августгача, кириш имтиҳонлари 11 июнгача, 1 июлдан 11 июлгача ва 7 августдан 15 августгача, ўқувчилар составига қабул қилиш 15 августдан 19 августгача; ўн йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига аризалар 15 июндан 16 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 июлдан 21 ноябргача; ўқувчилар составига қабул қилиш 21 ноябрдан 26 ноябргача.

Сиртқи ўқишга аризалар барча ўрта махсус ўқув юртларига 10 августгача, кириш имтиҳонлари 10 июндан 21 июнгача, 10 июлдан 21 июлгача ва 10 августдан 21 августгача, ўқувчилар составига қабул қилиш 21 августдан 31 августгача.

Мавсумий характердаги ишлар билан боғлиқ геология ва қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўлган техникум ҳамда билим юртларига аризалар 2 октябрдан 1 декабргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 16 декабргача, ўқувчилар составига қабул қилиш 16 декабрдан 26 декабргача ўтказилади.

Кечки ва сиртқи бўлимларга кираётганларга кириш имтиҳонларини топшириш учун ўрта махсус ўқув юртининг чақиригича биноан ўзлари ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда маълум кунларгагина бир марта рухсат берилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

Ўрта махсус ўқув юртларига саккиз йиллик маълумот билан кираётганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: саноат, қурилиш, алоқа, иқтисод, геодезия ва картография мутахассисликларига — рус тили (диктант), математика (оғзаки).

Ўрта маълумот билан кираётганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: саноат, қурилиш, алоқа, иқтисод, геодезия ва картография мутахассисликларига — рус тили ва адабиётидан (ёзма), математикадан (оғзаки); химиявий технологии, металлургия, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, товаршунослик, шунингдек фойдали қазилмаларни бойитиш, газмолларни безаш; трикотаж буюмларини безаш, аналитик химия, чарм технологияси, нотўқима тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш мутахассисликларига — рус тили ва адабиётидан (ёзма), химиядан (оғзаки); китоб товаршунослиги, иш юритишни ташкил этиш, меҳмонхона хўжалиги, ҳуқуқшунослик мутахассисликларига — рус тили ва адабиёти (ёзма), СССР тарихидан (оғзаки).

Ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган ўрта махсус ўқув юртларида (бўлимларида) рус тили ўрнига ўқув юртида ўқиш қайси тилда олиб борилса, шу тилдан кириш имтиҳони топширилади.

Ўрта махсус ўқув юртида ўқиш олиб бориладиган тилни ўрганмаганлар ўз хоҳишлари бўйича рус тилидан (саккиз йиллик мактабни тугатганлар учун) ёки рус тили ва адабиётидан ёзма (ўрта маълумотлилар учун) кириш имтиҳони топширадилар.

Бундан ташқари ўқиш олиб бориладиган тил бўйича шу тилни билишини синаш учун суҳбат ўтказилади.

Ўрта махсус ўқув юртларига ўрта маълумот билан кираётганлар миллий ўрта мактаб программаси ҳажмида рус тилини ўрганган бўлсалар, ёзма ўрнига ёзма иш ёки диктант ёзишлари мумкин.

Архитектура, китоб ва журналларни техник таҳрир қилиш мутахассисликлари бўйича кираётганлар ўша мутахассисликлар бўйича қўшимча кириш имтиҳонлари топширадилар.

Мутахассисликлар бўйича имтиҳонлар биринчи навбатда олинади.

Ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлганлар мутахассислик бўйича ўтказиладиган имтиҳонлардан озод қилинмайдилар.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишиларга иш жойидан маоши сақланмаган ҳолда ун кун муддатга отпуска берилади. Бу отпускага ўқув юртига келиш ва қайтиш учун кетадиган вақт кирмайди.

Р. — 02043. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 132. 8